

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„ 11 „ октябрь 20 19 у.

№ 865

Toshkent sh.

Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг турар жой-манший шароитларни яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилоятида хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 29 майдаги ПҚ–4343-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига замонавий талаб ҳамда стандартларга жавоб берадиган арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига турар жой-манший шароитларни яхшилаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи амалий механизмларни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

инвестор ва тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда инвестор деб аталадн) 2019-2022 йилларда кўп квартирали уйларни “тайёр ҳолда топшириш” шартларида босқичма-босқич қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фойдаланилмайдиган ер участкалари, бино ва объектларини 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича бериш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ташкил этиладиган комиссия томонидан ўтказиладиган танлов (тендер) натижалари асосида қурилиш тўғрисидаги шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

ушбу қарорни амалга ошириш доирасида биринчи қаватлардан ташқари, қоида тариқасида, икки хонали квартиралар учун – камида 80 квадрат метр, уч хонали квартиралар учун – 100 квадрат метр ва тўрт хонали квартиралар учун – 120 квадрат метр бўлган кўп квартирали уйларни қуриш;

ушбу қарор нжросини таъминлаш доирасида қуриладиган кўп квартирали уйлардаги квартираларни мазкур қарор қоидаларига мувофиқ тузиладиган қурилиш шартномаларида белгиланган имтиёзли шартлар ва нархларда асосан ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига сотиш, инвестор улуши бундан мустасно.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг қарорлари асосида:

уй-жой билан таъминланиш ва яшаш шaroитларини яхшилашга эҳтиёжи бўлган;

хизмат фаолиятида (жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда) юқори натижаларга эришган, шунингдек, интизомий жазога тортилмаган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар ушбу қарорни амалга ошириш доирасида қурилган кўп квартирали уйлардаги квартираларни имтиёзли арзон нархларда сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланади.

3. Белгилансинки, ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда беш йилдан ошмаган муддатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фоизсиз қарз берилиши мумкин;

ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига ушбу қарорни амалга ошириш доирасида қурилган кўп квартирали уйларда сотилмаган квартираларининг бир қисми қурилиш тўғрисидаги шартномада белгиланган нархлар бўйича имтиёзли шартларда сотиб олинади ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизмат уй-жой фондига ўтказиладн.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг турар жой-майший шaroитларини яхшилаш учун вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан ажратиладиган ер участкаларига нисбатан ушбу қарорда назарда тутилган механизмдан кейинчалик фойдаланишга рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари зиммасига уй-жой билан таъминланиш ҳамда яшаш шaroитларини яхшилашга эҳтиёжи бўлган, хизмат фаолиятида (жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда) юқори натижаларга эришган, шунингдек, интизомий жазога тортилмаган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар рўйхатини шакллантиришда ҳолисликни таъминлаш ҳамда коррупция ҳолатларини бартараф этиш учун шахсий масъулият юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда, шартнома шартларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши мониторингини таъминласин;

уй-жой билан таъминланиш ҳамда яшаш шароитларини яхшилашга эҳтиёжи бўлган, хизмат фаолиятида (жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши қурашишда) юқори натижаларга эришган, шунингдек, интизомий жазога тортилмаган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар рўyxатини шакллантириш, шунингдек, ушбу қарорни амалга ошириш доирасида қурилган кўп квартирали уйлардаги квартираларни улар ўртасида тақсимлаш бўйича ички ишлар органлари турар жой-маиший комиссияларининг фаолиятини самарали ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ҳамда ушбу қарорни амалга ошириш доирасида “тайёр ҳолда топшириш” шартларида қуриладиган ҳар бир кўп квартирали уй бўйича қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши юзасидан тегишли давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 765-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 9-сон, 217-модда) билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг хизмат уй-жойлари фондиди шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Рамагов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 октябрдаги 865-сон қарорига
1-илова

Инвестор ва тадбиркорлик субъектларига қўп квартирали уйларни “тайёр ҳолда тошшириш” шартларида босқичма-босқич қуриш учун таклиф этиладиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиналариининг фойдаланилмайдиган ер участкалари, бино ва объектларининг РЎЙХАТИ

т/р	Номланиши	Жойлашган жойи	Умумий майдони	Қурилиш майдони
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги				
1.	3/9-сон мактабгача таълим муассасаси ҳудуди	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак мавзеси	0,64 га	0,22 га
2.	4/2093-сон мактабгача таълим муассасаси ҳудуди	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 3-квартал	0,64 га	0,32 га
3.	Портлаш техникаси экспертизаси маркази ҳудуди	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зафаробод кўчаси, 110	2,5 га	1,2 га
4.	Автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 48	0,71 га	0,3 га
5.	Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси ҳудуди	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Янгиобод” МФЙ	3,7 га	0,4 га
6.	7801-сон ҳарбий қисм	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ўш кўчаси, 1	1,3 га	0,3 га
7.	7531-сон ҳарбий қисм	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ кўчаси	10,8 га	1,1 га
8.	7532-сон ҳарбий қисм	Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 5	12,3 га	1,0 га
9.	7533-сон ҳарбий қисм	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шайх Али қўрғони кўчаси	0,84 га	0,75 га
Тошкент шаҳар ИИББ				
10.	Яшнобод тумани ИИБ ФМБ гаражи ҳудуди	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Чигил кўчаси, 58	0,21 га	0,21 га
11.	Фойдаланилмаётган бино	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси	0,052 га	0,052 га

12.	Ходимлар учун ўй-жой қуришга ажратилган ер участкаси	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сунбула кўчаси, 1	0,11 га	0,11 га
13.	Ходимлар учун ўй-жой қуришга ажратилган ер участкаси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув мавзеси, 6	0,50 га	0,50 га
14.	Олмазор тумани ИИБ ФМБ худуди	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Соғбои кўчаси, 360	2,43 га	0,2 га
15.	Ходимлар учун ўй-жой қуришга ажратилган ер участкаси	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 10-квартал	0,25 га	0,25 га
Тошкент вилояти ИИБ				
16.	“Экотранс” назорат-ўтказиш пункти	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, “Ғазалкент” МФЙ	1,9 га	1,9 га
Наманган вилояти ИИБ				
17.	ИИБ ЙХҚБ автомобиллар турар жойи	Наманган шаҳри, И.Каримов кўчаси	0,4 га	0,4 га
Хоразм вилояти ИИБ				
18.	Хива шаҳри ИИБ худуди	Хива шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1	0,88 га	0,28 га
19.	Янгибозор тумани ИИБ худуди	Янгибозор тумани, Ж.Мангуберди кўчаси	1,1 га	0,24 га

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 11 октябрдаги 865-сон қарорига
2-илова

**Ички ишлар органларининг хизмат уй-жойлари фондиди
шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 26-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирдаги учта хатбоши шаклида баён қилинсин:

“Хизмат уй-жойлари, ёпик шаҳарчалардаги хизмат квартиралари ва профилактика инспекторларига берилган хизмат квартираларидан ташқари, Марказий комиссия тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг қарорига асосан:

хизмат вақтида ижобий натижаларга эришган ва юксак профессионал ҳамда маънавий-ишчанлик фазилатларини намоён қилган, ички ишлар органларида жами 25 ва ундан кўп календарь йил хизмат қилган ҳамда уй-жой билан таъминланмаган юқори малакали ходимларга - бепул;

биринчи навбатда, хизмат квартираларида яшовчи, шунингдек, уй-жой билан таъминланиш ва яшаш шароитларини яхшилашга эҳтиёжи бўлган ходимларга сотиш орқали шахсий мулк этиб берилиши мумкин”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 4-бобга:

қуйидаги мазмундаги 40-банд қўшилсин:

“40. Хизмат уйларини сотишдан тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади ва улардан уй-жой фондиди кенгайтириш, хизмат уйларининг ҳолатини яхшилаш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади”;

40-44-бандлар тегишли равишда 41-45-бандлар деб ҳисоблансин.